O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

ЎзМТДП

*Миллий тикланиш — миллат келажаги*

# MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 1-fevral, chorshanba, 5 (335)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

*O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi*

САҲИФАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

**"МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ВА ЁШЛАР"**

*Талабалар шаҳарчасида ўтказилаётган тадбирлар фақат бир нарсани — ёшларни ҳамжиҳатликка, ҳамфикрликка чорлашни кўзлаб ташкиллаштирилмоқда*

3-бет

**Қалб жавоҳири ГА АЙЛАНГАН СЕРИАЛ**

*Қани энди ҳамма ўзбек қизлари ҳам Тангемга тақлид қила бошлашса эди. Тангемнинг ҳаё-ибога тўла муҳаббатини айтмайсизми?!*

4-бет

● *Фракция йиғилишида*

## ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТИ



**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда долзарб масала – мамлакатимиз Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда фракция ва партия Марказий Кенгашининг 2006 йилги иш режаси муҳокама қилинди.**

ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов Дастурда белгиланган халқимизнинг маънавий қадрияти сифатида ҳомийликнинг аҳамиятини аҳолига чуқурроқ тушунтириш, ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби вазифалар ва миллий тикланишчиларга хос ҳомийликнинг маданиятини яратишимиз кераклиги хусусида гапирди.

Дарҳақиқат, давлат дастури ҳомийлик ҳаракатини янги босқичга кўтаради. Фракция аъзолари тиббиёт соҳаси ходимлари ишини яхшилаш, уларга етарли шарт-шароитлар яратиш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг аҳамиятини тарғибот-ташвиқот ишлари воситасида оммага тушунтириш зарурлиги ҳақида мулоҳазаларини билдиришди.

***Абдурашид ТЎХТАБОЕВ:*** *«Президентимиз қарори катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат. Умуман, ушбу дастурни амалга ошириш учун 276,4 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилганлигининг ўзи муҳим. Энди «Ҳомийлик фаолияти» тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш мавриди келди. Партиямиз кам таъминланган оилаларда ўсаётган фавқулодда иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш учун моддий имкониятлар қидириб топиб, уларга ёрдам қўлини чўзиши лозим».*

***Умид ИСМОИЛОВ:*** *«Бу қарорнинг аҳамияти катта. Тадбиркорлар ва бизнесменларнинг жамият олдидаги масъулияти белгилаб берилган. Давлат томонидан эса ҳомийлик кўрсатувчиларга солиқ соҳасида имтиёзлар берилиши эса жуда муҳим».*

***Шарифа САЛИМОВА:*** *«Халқимиз азал-азалдан одамларга яхшилик қилишга, меҳр-шафқат кўрсатишга одатланган, томирларида гўзал қадриятлар оқиб келаётган халқ. Дастурнинг эълон қилиниши мужда кутиб турган кишиларда умид ғунчаларини уйғотди. Мактабларга, ўқувчилар ҳузурига кўпроқ борайлик, уларга бу муҳим воқелик аҳамиятини тушунтирайлик. Ахир болалар юрагида истиқлол тафти ловиллаб ёнаётир».*

***Абдуғафур МАМАТОВ:*** *«Қарор муносабати билан тузилган режаларимизда аниқ вазифалар белгиланди. Халқнинг ичига кириш, партиямизнинг юзини кўрсатиш учун имконият пайдо бўлди. Бундай имкониятдан фойдаланиб қолишимиз зарур».*

***Жаннат ТОШМАТОВА:*** *«Моддий ва маънавий мададга муҳтож зиёлиларга ҳомийлик қилишни кучайтириш керак. Ажойиб китоблар ёзиб нашр эттира олмаётган, нодир расмлар чизиб кўргазмалар ташкил қилолмаётган ижодкорларни топиб, уларга моддий мадад беришимиз лозим».*

*Йиғилишда партиянинг навбатдаги пленуми ва қурултойига тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама қилинди.*

***

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Миллий тикланиш» фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлиси кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгашининг ҳафталик иш фаолияти хусусида Марказий кенгаш раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова сўзлади.

Фракция аъзоларидан бир гуруҳи ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг 2005 йил фаолияти якунлари билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистонда бўлгандилар. Гуруҳ аъзоси, Олий Мажлис депутати Умид Исмоилов шу ҳақда ахборот берди.

Фракция йиғилишида ЎзМТДП Марказий кенгашининг навбатдаги пленуми ва партиянинг қурултойини чақириш муддатлари белгиланди.

**Ўз мухбиримиз**

**Одамларнинг узоғини яқин қилиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишда қулайликлар яратиш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилмоқда. Ҳар бир янги очилган тиббиёт маскани юзлаб кишиларга саломатлик, соғлом турмуш бахтини бермоқда.**



● *Янги одамлар*

## ДИЛЛАРГА, ЭЛЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ

**яшаётган хоразмлик ўқитувчи аёл, «Дўстлик» ордени нишондори Шукуржон Шомуротованинг эзгу ишлари кўпларга ибратдир.**

Ишдан уйга қайтган аёлни кичкина ўғли қувноқлик билан кутиб олди ва «бу сизга» деб қўлига мактуб тутқазди.

— *«Азиз устоз, — деб бошланганди мактуб соф француз тилида. — Сизнинг ҳар бир сабоғингиз эсимда. Мана, орзу қилганимдек француз тилини анча ўргандим, таржималар қиляпман, сизга ўхшагим келади... Шогирдингиз Дониёр Рўзиматов.»*

Тошкент шаҳридаги Жаҳон тиллари университетининг магистранти, шогирди Дониёрнинг мактуби уни қувонтирди. Кўз олдида бир пайтлари мактаб партасида ўтириб, чанқоқлик ила тил ўрганишга қизиққан шогирдлари бирма-бир гавдаланди. Илк бор иш бошлаган пайтларидаги ҳаяжонлари яна эсига тушди.

Шукуржон 1963 йили Қўшкўпир шаҳарчасидаги Янгилик қишлоғида оддий деҳқон оиласида дунёга келди. Онаси фарзандларини оқ ювиб, оқ тараркан, ҳамиша уларга: «Аъло ўқинглар ва олий ўқув юртларига ўқишга кириб, бирор касбнинг этагидан тутинглар», — деб уқтирарди. Шукуржон ҳам шу ҳаваслар, орзулар оғушида улғайди ва пайти келиб Тошкент Давлат чет тиллар институти француз тили факультетига ўқишга кирди. 1985 йилда эса Қўшкўпир туманидаги 4-мактабда иш фаолиятини бошлади. 1-сон жаҳон тиллари мактаб-интернати ташкил қилингандан сўнг, 1995 йилдан шу ерга танлов асосида ишга қабул қилинди.

Ўқитувчи тинмай ўз устида ишласа, натижаси кўзга ташланиб боравераркан. Шукуржоннинг ўқувчилари фан олимпиадаларида ғолиб чиқиб, тилга тушдилар. Ўзи ҳам фан йўналишлари бўйича ўтказиладиган танловларда қатнашиб, совринларни қўлга киритди.

— Тил билишда ҳикмат кўп, тил элларни, дилларни бир-бирига боғлайди деганлари рост экан, — дейди Шукуржон Шомуратова. — 1997 йилда Франциянинг Руан шаҳридаги САКЕУ университетига малака оширишга борганимда, айниқса, бунга амин бўлдим. Француз халқи ҳаёти билан танишдим, дўстлар орттирдим, билимимни бойитдим. Ишлашга иштиёқим зўрайди, қалбимда, руҳиятимда ажиб бир ўзгаришларни сездим.

Моҳир педагогнинг жонкуярлиги, билимдонлиги боис ўқувчилари чет тилини ўз она тилларидек севиб ўрганадилар ва шу фан бўйича давлат гранти асосида олий ўқув юртларига ўқишга кирадилар.

Илғор педагог эса эллар аро дўстлик ришталарини боғлагани, фидойи меҳнатлари учун 2000 йилнинг 1 октябрида ҳукуматимиз томонидан «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

**М.ТИЛЛАЕВА,**
**Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани.**

Хоразмда эзгуликка майли зўр кишилар кўп. Шулардан бири Қурбонбой Қўшақов. Партия иш-юмушлари билан юриб, унинг фермер хўжалигида бўлдик. Қурбонбой Қўшақов бизга юрагини очди:

— Деҳқончиликдаги ҳосилимизни тежаб-тергаб, йиғиштириб олдик.

## ЯХШИЛИК ПОЙДОР

Хирмонимиз ёмон эмас. От изини той босар, дейишади. Отамнинг умри далада деҳқончилик билан ўтди, бизга ҳам шу ишни ўргатарди. Одам қилган яхшилигини кўз-кўз қилса, унча ярашмайди. Лекин ибрат гапни айтмасанг ҳам бўлмайди. Отам ҳар йили томорқадан мўл ҳосил кўтарганда хирмон атрофига ёрдамга муҳтож одамларни йиғарди-да, бу сизнинг бола-чақангизнинг улуши деб, дон-дун ажратарди. Бу ишни шунчалар самимий ва сидқидиллик билан адо этардики, кишилар ўзини камситилгандек сезмас, балки тўғри тушунишарди. Мен отамнинг шундай саховатпешалигини баракотнинг манбаи деб биламан. Ўзим ҳам буни давом эттиришни истайман.

Шунинг учун бўлса керак Қўшкўпир тумани, Ўртаёп қишлоғида Қурбонбой Қўшақовни иззат-ҳурмат қилишади. Фермер бизнинг «Миллий тикланиш» партиямизга хайрихоҳ. У партиямизнинг туман кенгаши аъзолари билан бирга юриб, қишлоқдаги тўққизта хонадонга 650 килограммдан ортиқ шоли тарқатди.

— Шундай кунда бизни йўқлаб келибсиз. Илоҳим, ҳимматингиз бундан ҳам баланд бўлсин, — дейди улардан бири, тўрт нафар фарзанднинг онаси Шарифа Олланазарова.

— Қурбонбой фермернинг раҳматли онаси дугонам эди. Хуш келибсиз! Лекин «Миллий тикланиш» деган партия борлигини энди эшитишим. Барчангизга раҳмат! Йўлларингиз гуручдек оппоқ бўлсин, — деб тилак билдиради бошқа бир хонадон аъзоси, 85 ёшли онахон Ҳаввожон Рўзметова. — Менинг ёлғизлигимни шулар билдиришмайди.

— Фермерга ҳам, партиянинг туман кенгаши аъзоларига ҳам катта раҳмат. Шунча одамнинг кўнглини олиб савобга қолдилар, — дейди Ўртаёп қишлоғи 1-маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Отажонов. — Хирмонлари бундан ҳам баланд бўлсин!

Бир эзгулик яна бирини тўлдиради. Абулқосим Фирдавсий хўб айтган экан: Яхшидан яхшилик бўлғуси ёдгор!

**Меҳрибон ТИЛЛАЕВА,**
**ЎзМТДП Қўшкўпир туман кенгаши раиси**

● *Ҳаёт мактаби*

## МЕҲНАТ ҚИЛГАН УЗОҚ ЯШАЙДИ

Кўпдан буён туманимиздаги фидойи кишилар ҳақида нимадир ёзишни ўйлаб юрардим. Мана, бугун журъат топиб шу эзгу ишни бошлашга киришдим. Улар билан бир-бир учрашиб, суҳбатларида бўлдим, ҳаёт мактабидан олган сабоқларини тинглаб кўрдим. Қувонарлиси шундаки, уларнинг юраги ҳаётга ташна. Уларнинг ҳар бир сўзи ёшларни тарбиялайди. Халқимизга яхши кунларни ҳадя этган истиқлолнинг қадрига етишга ундайди. Уларнинг шукурларидан, ғурурларидан баҳри дилингиз очилади. Олтинга тенг ўгитлари, қимматли панд-насиҳатларини эшитиб, Ватанга меҳрингиз ошади. Улар билан узоқ суҳбатлашгингиз келади. Бўш вақт топдим дегунча, ана шундай фариштали инсонларнинг суҳбатига ошиқадиган бўлиб қолдим.



Нишоваддин қишлоғида яшовчи 88 ёшли Матаб момо Аннаева биринчи қаҳрамоним бўлди. 4 фарзандни тарбиялаб, эл қаторига қўшиб, 27 невара-чеваранинг қуршовида кексалик гаштини сураётган онахонга мақсадимни тушунтирдим. «Ёшлигингизда қилган ишларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз», — деган таклифим Матаб момога маъқул тушди шекилли, қўшни хонага кириб кетдилар. Бир оздан кейин рўмолга туғилган «Фахрий ёрлиқ»ларини олиб чиқдилар-да, мамнунлик билан гап бошладилар.

— Ҳозирги давримиз жуда яхши, болам, — дедилар Матаб момо кўзидан ёш сизиб. — Икки кам тўқсонга кирдим, шунгача мен кўрмаган қийинчилигу заҳматли меҳнатлар қолмади ҳисоб. Ҳеч нолийдиган замон эмас ҳозир.

Энг кераги тинчлик бўлсин, урушдан кейинги қаҳатчиликни, азоб-уқубатларни биз кўрдик, келажак авлод кўрмасин. Дўстку дўст, душманга ҳам раво кўрмайман у кунларни.

Ишласа, ҳаракат қилса, ишлайдиган замон бўлди, болам. Кўп эслайман, тепаликнинг олдида кечаси билан пахта терардим. Ўша йили кўп пахта терганлигим учун мукофотга шоҳи рўмол беришгани кечагидек эсимда. Меҳнат одамни чиниқтирар экан, соғлиққа ҳам фойдаси бўларкан. Мен қаторилар кам қолди, болам...

Матаб момо билан анчагача гаплашиб ўтирдик. Ўша кундан буён момонинг бир гапи қулоғим остидан кетмайди. Кўпни кўрган онахон айтганидек: «Меҳнат қилган узоқ яшайди».

**Яхшигул Хидирова,**
**ЎзМТДП Самарқанд вилояти Нарпай туман кенгаши раиси.**

## ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ ҲУЗУРИДА

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси «Оммавий ахборот воситалари соҳасига доир қонун лойиҳалари юзасидан» давра суҳбатини ўтказди.**

— Маълумки, қўмита томонидан бешта қонун лойиҳаси муҳокамага киритилган, — деди қўмита раиси Хуршид Дўстмуҳамедов. — Шу лойиҳалар юзасидан фракциялардан, фуқаролардан тушган таклиф ва мулоҳазаларни қўмита аъзолари кўриб чиқаётир. Айни пайтда қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни кетаётир.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Анвар Каримов, Жаҳон тиллари университети доцентлари Сайди Умиров, Бойбўта Дўстқораев, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси директори ўринбосари Олим Тошбоев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бўлим бошлиғи Ғулом Мирзаев ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари йиғилганларнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Давра суҳбати қатнашчиларининг деярли барчаси қонунлар лойиҳалари хусусида фикрларини билдиришди.

— Қонун ижодкорлари, албатта, билдирилган ҳар бир таклиф ва мулоҳазаларни чуқур ўрганиб чиқади, — дейди қўмита раиси ўринбосари И.Саифназаров. — Мақсад — келгусида қабул қилинадиган қонунлар амалиётда ўз самарасини берсин.

**Ўз мухбиримиз**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз томонидан 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши жамоатчилик томонидан кўтаринкилик билан кутиб олинди.**

## САХОВАТ — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Истиқлол даврида Президентимизнинг изчил ва оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистонимиз ҳар томонлама тараққий этиб бормоқда. Олиб борилаётган сиёсат замирида аждодларимизнинг мангу ҳикматлари, сабоқлари, ибратлари, одобидан андоза олинган, барча инсоний фазилатларнинг онаси бўлган эзгулик мужассамдир. Бу фазилат мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбидан мустаҳкам жой олган. Президентимиз таъбири билан айтганда: «Меҳр-оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир». Дарҳақиқат, инсон ўз умрига савобли ишларни адо этиш, кимнингдир корига яраш, дардига малҳам бўлиш билан бардавомлик бахш этади.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» асосий фалсафаси билан «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир» деган ақидага хизмат қилган «Сиҳат-саломатлик йили»нинг изчил ва мантиқий давомидир. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳаётимиздаги устувор вазифалар, барпо этилажак бинолар ва иншоотлар, яратилиши лозим бўлган шароитлар ҳомий ташкилотлар, саховатли инсонларнинг бевосита ва билвосита кўмаги орқали амалга оширилади.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўзининг топган даромадидан мадрасалар, шифохоналар, ҳаммомлар, йўллар қурдирганлар. Буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий илм-фан, маданият ва маънавият ривожига тенгсиз ҳомий бўлган. Бобурийлар ҳимматидан Ҳиндистондай йирик давлат ободлик, фаровонлик ва улар бунёд этган Тож Маҳалдай қасрлар тимсолида машҳурлик топган. XX аср бошида серҳиммат маърифатпарварлар майдонга чиқиб, ўз ҳисобидан миллат болалари учун мактаблар очдилар, дарсликлар яратдилар. Ривожланган мамлакатларга бориб ўқиб, муҳандис, иқтисодчи, шифокор, муаллимлик касбларини эгаллайман деган ёшларга пул йиғиб, ёрдам кўрсатишди. Юрт фаровонлиги, миллат равнақи учун курашиш уларнинг орзуси эди.

**2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили**

Ҳомийлик бу асли қандай тушунча?

Луғатларда ҳомийликка **«Кимса ёки нарсани ҳимоя этиш, тарафини олиш, ёрдам бериш, ёрдам»**, ҳомийга эса **«Кимса ёки нарсани ҳимоя этувчи, тарафини олувчи, ёқловчи»** деб таъриф берилади. Кўринадики, ҳомий фақат моддий ёрдам кўрсата оладиган эмас, балки Президент таъбири билан айтганда: «Ҳомийлик фақат ўз бойлигидан бир қисмини хайр-эҳсон учун ажратиш эмас. Бу закот эмас, садақа бериш ҳам эмас. Ҳомий дегани – бу аввалом бор саховатли бўлиш, беғараз ёрдам бериш дегани. Яъни ҳомий деганда, ён-атрофидаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни тасаввур этамиз».

Ҳомийлик турмушнинг тўкчилиги ва барокати, ҳомийлик оиланинг тотувлиги ва ҳамжиҳатлиги, ҳомийлик шахснинг инсонпарварлиги ва саховатлилигидир.

Албатта, ҳомийлик инсоннинг энг гўзал фазилатидир. Аммо ҳомийликни амалга ошириш жараёни бундан ҳам муҳим. Биринчи навбатда, ҳомийлик ёрдами кўрсатишда халқ анъаналаридан узоқлашмаслик, берилаётган ёрдамни таъмадан, олинаётган ёрдамни камситилишдан асраш асосий фалсафага айланиши керак. Моддий ва маънавий ҳомийлик ёрдами беғараз, таънадан холи бўлиши даркор. Хусусан, кам таъминланган ва муҳофазага муҳтож, ногирон инсонларга уларнинг дилини оғритмаган ҳолда саховат акцияларини амалга ошириш, Ватан ҳимояси учун жонини қурбон қилганлар оилаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, бундан ташқари, шифокорлар меҳнатини улуғлаш, улар учун етарли шарт-шароитлар яратиш тизимини ишлаб чиқиш, бунда ҳомийларнинг ўрнини аниқлаш, қишлоқ врачлик пунктларини кўпайтириш, бундай врачлик пунктларини ташкил этишда ҳомийларнинг моддий ёрдамларини йўналтириш лозим.

Ҳомийликнинг моҳиятини халқ онгига етказишда тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш долзарб ва муҳим ҳисобланади. Бундай савоб ишларни амалга ошириш, рўёбга чиқариш саховатпеша фуқароларимиздан бир томондан инсонийлик фазилатларини талаб этса, иккинчи томондан бу жараённинг қонуний асослари ва қонуний кафолатларини ҳам яратиш лозимлигини тақозо этади. Шу маънода ҳомийлик жараёнини тартибга солувчи яхлит қонун ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Қонун ҳомийлик жараёнини узлуксиз давом эттиришни кафолатлайди. Қонунда ҳомийнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва бурчлари, ҳуқуқий асослари ва кафолатлари, уларга бериладиган имтиёзлар белгиланиши лозим.

Жамиятда эзгу ишларни янада кўпайтириш, халқимизга хос ўзаро аҳиллик, бағрикенглик, оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик фазилатларини мустаҳкамлашга, ёшларимиз онгида истиқболга ишонч, ватанпарварлик, саховат каби инсоний фазилатларни камол топтиришда ўз номи билан бу йилнинг аҳамияти беқиёсдир.



Мамлакатимизда савобли, эзгу ишлар, ҳомийлик амаллари учун борини бағишлаётган элга, юртга фидойи, ҳимматли кишилар кўпаймоқда. Ўзгаларга фидо бўлиб яшаган одамдан яхши ном қолади. Қилинган ҳиммат, савобли ишлар беиз кетмайди. Умр мобайнида ўзингдан савобли амалларни қолдирсанг, яхши ишларга ҳомий бўлсанг, эл-юрт ҳам сени унутмайди. Ҳадисларда айтилганидек, ҳимматли ва хайрли ишларга шошилинг.

**Абдуғафур МАМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

«Миллий тикланиш»га 2006 йил учун обуна давом этаётир. Газета нашр кўрсаткичи — 158.

